



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 23 сентябрь, №195 (3307)

Сешанба

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).

Мамлакатимизга таширф буюрган Полша Республикаси Сеймининг (парламентининг) Полша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элжбета Радзишевска раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Полша муносабатлари тoбора фаоллашиб бoраётгани, бунда мамлакатимиз раҳбари Ислom Каримовнинг шу йил

ПОЛША СЕЙМИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

10-12 июль кунлари Полшага расмий таширфи давомида имзоланган ҳужжатлар муҳим ўрин тутаетгани алоҳида таъкидланди. Тoмонлар ўзарo ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Шу кuni мeҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Халқарo ишлар ва

Парламентларарo алоқалар кўмитаси раиси Эркин Воҳидов билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Полша ўртасидаги парламентларарo алоқаларини янги бoсқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд эканлиги таъкидланиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада жалдлаштириш ҳақида гап борди.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда

АНДИЖОН (ЎзА мухбири С.ШУКУРОВ).

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг /Омбудсман/ мониторинг гуруҳи таширф буюрди. Омбудсман институти таъсис этилганига саккиз йил тўлди. Шу давр ичида ривожланган демократик давлатлар таърибасида сигналдан қонунчилик ҳокимияти ҳузуридagi орган Ўзбекистонда ҳам ўз ўрнини топди.

Ўтган давр Омбудсман учун шаклланиш вақти бўлди. Фуқаролар манфаатлари ҳимояси

билан шуғулланувчи институт шахс ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор қатор қонунларни ишлаб чиқишга ҳисса қўшди. Қонунчиликка риоя этилиши устидан доимий назорат олиб бoрилди. Бу соҳада иш олиб бoрувчи шу каби муассасалар, нуфузли халқарo ташкилотлар билан алоқа ўрнатилди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бoрасида биринчи қадамлар ташланмоқда.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мониторинг гуруҳи шаҳар ва ту-

ман ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бўлиб, бeморлар ҳуқуқларига риоя этилиши билан танишди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашув ўтказилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Сайёра Рашидова Омбудсман фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб берди. У ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар, маҳаллий ўзини ўзи бoшқарув органлари билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхтади. Учрашув қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тошкент — Ярославль: Ўзарo Фойдали БИТИМ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В.НИКОЛАЕВ).

Тошкентдаги "Реле ва автоматика" ОТАЖ ва Ярославльнинг "АВС ИМПЭКС" МҶЖ ўзарo фойдали битим тузи. Россиялик инвестор корхонанинг 300 минг долларлик акцияларини сотиб олди.

Бундан ташқари, харидор 1 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Икки йил мобайнида белгиланган жадал асосида инвестор замонавий технологик ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бeради, янги технологияларни ўзлаштиришга қўмаклашади.

Корхонада электртехника маъмулотлари: дамол-

лар, вентиляторлар, электр чойнақлар, телефонлар, бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аста-секин икки бoзорини ўзлаштириб, келгусида экспорт бoзорида чиқиб режалаштирилмоқда. Ярославлда савдо уйининг очилиши бу бoрада биринчи қадам бўлади.

"Реле ва автоматика" ОТАЖ ҳар-қил турдаги паст вольтли ускуналар, пульталар ва панеллар, электржавонлар, тракторлар учун электрқисмлар ишлаб чиқаради. "Реле ва автоматика" ОТАЖ "Узелтехнаоат"-нинг йирик бўлиналари билан бўлгани ҳолда халқ ҳўжалигининг муҳим объектларига электртехника ускуналарини етказиб бeради.

Тошкентдаги корхона Навоий қон-металлургия комбинати, "Тошкент трактор заводи" ДАБ, Янгй-Ангрен ва Тошкент ГРЭСлари, "Узнефтгазқазниш" ДАБ, "Нефтгазқурилишкомплект" ОТАЖ, "Узмон тажжўридиш", Шуртан газ-қиме мажмуи ва бошқаларни зарур маҳсулот билан узлуксиз таъминлаб туради. Яқин орада шериклар рўйхати анча кенгайди: корхонада "Маҳаллий хомаш" асосида маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури" -га қиритиш учун иккита лойиҳа тайёрлаб қўйилган. Уларни амалга оширишга Россиялик инвестор билан тузилган шартнома ҳам ёрдам бeради.


АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Заҳон ЭШОНҚУЛОВ).

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Президент Ислom Каримов Фармони билан бир гуруҳ марҳум олим, адиб ва

санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, шоир ва драматург Шўҳрат (Ғулом Алимов) ҳам бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

масида ана шу адиб хотирасига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Озод Шарофидинов, Саид Аҳмад ва бошқалар Шўҳрат қаламига мансуб асарлар Ватанга муҳаббат, адолат ва эъзуликка садоқат руҳи билан суғурилгани боис кенг китобхоналар оммаси томонидан севиб мутлода қилинаётгани ҳақида гапирди.



Трансартерия — Европага йўл

«Ўзавтйўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Тахиятош» махсус йўл-кўприк қурилиши бoшқармаси бунёдкорлари 241 километрлик Кўнгирот-Бейнеу йўлининг 1-бoсқичини қуриб битказдилар. Устюрт кенгликларидан ўтадиган ана шу йўл тўлиқ ишга тушгач, Ўзбекистоннинг Евроосий транспорт тизимига қўшилиши учун имкон яратилади.



— Қорақалпоғистонлик йўлсозлар мазкур транспорт артериясидаги ишни шу йил 16 апрелда бoшлаган эди, — дейди бoшқарма бoшлиғи Мадат Олламбергенов. — Уч сменда 411 киши унумли меҳнат қилганига туғайли ўтган қисқа вақт ичида «Кийикўл», «Бўстон», «Қувонч Абдан», «Оқтўбе» ва «Борса-келмас» участкаларида йўлнинг асоси яратилди, яъни унга шағал ётқизилди. Эндиликда эса қурилишнинг иккинчи бoсқичи ҳам жалд бoшлаб юборилди.

СУРАТЛАРДА: ҳайдовчи Ортиқбой Олламуродов; йўл қурилишида. О.МУРOTOV (ЎзА) олган суратлар.

ФЕРМЕРАЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер хўжалиғи давлатга 26 тонна пахта топириб, вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома-режани бажарди. — Уртачўл шароитида

об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай кутилганидан зиёд ҳосил тўплашга эришдик, — дейди хўжалик раҳбари Раъно Валиева. — Бу йил 15 гектар майдонда гўза парваришлаб, ҳозирча 18 центнердан ҳосил олдик.

Хали далаларда ҳосил мўл. Тумандаги "Феруза" фермер хўжалиғи ҳам биринчи теримдаёқ давлатга пахта сотиш шартнома-режасини удаллади. (ЎзА).

Тошкентда «Лукойл Оверсиз Холдинг ЛТД» компанияси Ўзбекистондаги «Хаузақ», «Шоди» ва «Кандим» конларини комплекс ўзлаштириш бўйича сармоялаш лойиҳаси тақдимотини ўтказди. Ушбу лойиҳа махсус давлат комиссияси томонидан қўриб чиқилган техник-иқтисодий асослар ва маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга кўра биринчи лойиҳа ҳисобланади.

САРМОЯЛАШ ЛОЙИҲАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Сармоядорлар консорциуми доирасига «Лукойл» билан биргаликда «Ўзбекнефгаз» миллий холдинг компанияси ҳам қиради. Сармоялаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари «ЎзЛТИНефгаз» институт акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилди. Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимни эса Американинг «Бейкер Маккензи» ҳуқуқий компанияси яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, ушбу сармоялаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари жуда катта миқдордаги маблағни — қарийб бир миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа бўйича белгиланган конлардан ҳар йили 8 миллиард куб метр газ, лойиҳанинг биринчи бoсқичида эса-Вилита 2-2,5 миллиард куб метр газ қазиб олиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳа доирасида йилига 6 миллиард куб метр газни қайта ишлаш, қувватига эга бўлган замонавий газ

кимёси мажмуини қуриш, 244 та қудуқни бургулаш, 1500 километрдан зиёд турли диаметрдаги қувурларни ётқизиш, иккита компрессор шoҳобчаси, йиғма пунктлар, замонавий турар-жой қўргони, юқори вольтли электр узатиш линияси, электр станциялари, 40 километрлик темир йўл тармоғи, бир неча автомобиль йўллари ва олтингурут сақланган омборлар қуриш ҳам режалаштирилмоқда.

Кореялик олимлар талабалар ҳузурюда

«Истеъод» республика жағфармаси тақлифига биноан мамлакатимизга таширф буюрган Жанубий Корея Республикаси миллий таълим тизими ва уни ривожлантириш йўллари Хондон глобал университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Абдулла Қолирий номли Жиззах Давлат педагогика институтига ҳамда политехника институтига жомолари билан учрашувлар ўтказишди. Олий ўқув юрларида олиб бoрилаётган таълим жараёни, илмий изланишлар билан танишдилар.

Таълим тизимини такомиллаштириш, унда хорж таърибларидан фойдаланиш ҳусусида ўзарo фикр алмашилди. Талабаларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот таълими технологиясини мукаммал ўрганишга амалий ҳамкорлик ўрнатилган келишиб олинганлиги ҳар икки томон учун ҳам айни муддоо бўлди.

Жорий йилнинг ўзандаёқ бир неча жиззахлик талаба Хондон глобал университетига билим олади.

Баҳрўддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўқимбойда коллеж ва замонавий ўйингоҳ

Косонсой туманидаги мазкур қишлоқда турмуш маданияти ҳавас қиларди. Унинг қатор мактаблари, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари қаторига энди қўрқам касб-ҳунар коллежи ва ўйингоҳ ҳам қўшилди.

Кооператив билим юрти ўрнида янги қиёфа касб этган маъмулотли касб-ҳунар коллежи чинакам ҳунармандлар ўчоғига айланган. Унда ўқувчилар чуқур билим олиши, малакали ҳунар эгаси бўлиш учун барча шароит мўҳайе. Шу билан бир қаторда янги ўйингоҳ ҳам қуриб битказилди. Уғил-қизлар бу ерда волейбол, футбол ва баскетбол билан бeмалол шуғуллана оладилар.

Қудратилло НАЖИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Банк сирни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга қиритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Банк сирни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга қиритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў.Султонов) ўз қарорларини «Банк сирни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда илоралар мазкур Қонунга эид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бeкор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 30 август.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

БАНК СИРИ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан қафолатланади.

Банкнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топирилган ёки маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилиши, шунингдек мазкур маълумотлардан шахсий мақсадда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиши, учинчи шахсларга бундай фойдаланиш имкониятини бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотларни сақлаш тартибини бузиш оқибатида яратиб бeриши тақиқланади.

Банкнинг раҳбари ёки бошқа ходими банкда ишлаш даврида ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг банк билан тузилган меҳнат шартномаси бeкор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тегишли равишда сақланиши учун банк зарур ташкилий ва техникавий чора-тадбирлар қўриши шарт.

Агар банк билан миқоз (вакил) ўртасида низо келиб чиққан бўлса, банк ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мижозининг (вакилнинг) банк сирини ташкил этувчи маълумотларини зарур ҳолларда ва доирада маълум қилиши мумкин.

8-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларини тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижозининг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек ушбу Қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсларга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларини, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз мижозлари ҳақидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларини ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этади.

9-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларини

прокуратура, тергов ва суриштирув органларига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёҳуд суриштирувчининг асосланган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

10-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга ва суд ижрозисига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрозисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувчи мазкур банк мижозининг (вакилнинг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижозининг (вакилнинг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги қонуний қучга қирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади.

11-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

12-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларини тақдим этиш тартиби

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларини судга, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек суд ижрозисига тақдим этиш, бунинг учун ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, уларни сўраётган органга ёпиқ ва муҳрланган конвертда юбориш орқали амалга оширилади.

13-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларини мижозининг (вакилнинг) меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига тақдим этиш

Мижоз (вакил) тўғрисидаги, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий

Тадбир

«Китобдан яхши дўст йўқдир жаҳонда». Утган шанбада Янгийўл шаҳридаги «Навий гулшани» маданият ва истироҳат боғини куни бўйи ана шу шior беэаб турди. Негаки, бу масканда республикада биринчи марта «Китобхонлик куни» ўтказилди. Хўш, «Китобхонлик куни»нинг ўзи нима? Бу саволимизга Ўзбекистон Кутубхоналари ассоциацияси раиси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Умаров тубандагича жавоб қайтарди:

«КИТОБХОНЛИК КУНИ»

— Биз Маданият, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Фан ва технология, «Маънавият ва маърифат», Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказлари, Ўзтеле радиоканаллари ҳамда Ўзбекистон Очiqк жамият институтини — кўмак жамгармаси билан ҳамкорликда шу йил 20 сентябрдан ой охирига қадар республика бўйича «Китобхонлик куни» деб номланувчи туркум тадбирлар ўтказишни бошладик. Бундан асосий мақсад фукарорларимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида билим олишга бўлган қизиқишни рағбатлантириш, китобхонларнинг кутубхона хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш, мамлакатда ноширлик фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, аҳолига ахборот хизмати кўрсатишда янги технологияларни қўллагани намойиш этишдан иборат. Янгийўлдаги тадбир — биринчи қадам. Бошқа шаҳар ва туманларимизда бу хилдаги учрашуларимизда ёзувчи, шoir, санъаткорлар билан бирга олимларни, магбаа ходимларини ҳам жалб этиш

ниятимиз бор. «Китобхонлик куни»нинг хайрли ва савобли томонлари ҳам бор. Жумладан, тадбир жараёнида ташкилот, наشريёт ёхуд фуқаро ўз жамгармасидаги китобларни кутубхоналарга ҳада этишлари ҳам мумкин. Дарҳақиқат, «Навий гулшани» боғидаги бу тадбир, гарчанд дастлабкиси бўлсада, жуда қизиқарли ўтди. Боғнинг бурчак-бурчакларида китоб кўргазмалари ташкил қилинди. Расмий чиқишлардан сўнг шаҳар ўқувчилар ижодиёт уйининг «Олтин тож» кўйирчоқ театрининг китоб тўғрисидаги спектакли намойиш этилди. «Энг яхши китобхон» танлови ўтказилди, гоилилар ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси ва «Маънавият ва маърифат» маркази Янгийўл шаҳар бўлимида бош-қош бўлган «Китобхонлик куни» тадбири қатнашчилари шаҳар бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг концертдан ҳам баҳраманд бўлишди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШГИДРОМЕТИГА ҚАРАШЛИ В.А.БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ



бўш ўринларга танлов эълон қилади.

- БЎЛИМ МУДИРЛАРИ
- гляциология;
- гидрологик мониторинг.
ЛАБОРАТОРИЯ МУДИРЛАРИ
- гляциология бўлими минтақавий лойиҳалар;
- қишлоқ хўжалик метеорологияси бўлими агроиклимий ресурсларни тадқиқ этиш.
ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАР
- гидрологик мониторинг бўлими;
- атроф-муҳит ифлослигини тадқиқ этиш ва прогнозлаш бўлими.
КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР
- гляциология бўлими (иккита);
- қишлоқ хўжалик метеорологияси бўлими.
Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун.
Хужжатларни директор номига қуйидаги манзилга юборинг: 700052, Тошкент ш., К. Махсумов к., 72-уй.
Телефонлар: 135-83-25, 135-83-50.
19, 42, 88, 89, 95-автобусларнинг «Гидрометцентр» бекати.

ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТИ

2003 йилга аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича
- селекция ва уруғчилик — 1 ўрин;
- сабзавотчилик — 1 ўрин.
Хужжатларни қабул қилиш муддати — 2003 йил 15 октябргача.
Манзилимиз: 702003, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой кўрғони.
Институт телефони: 139-94-61.

«Пахтакор»ни «Навбахор» ҳам тўхтата олмади

Утган турда асосий рақиб саналган фарғоналик футболчиларни сафарда мағлубиятга учратиб қайтган пойтахт жамоасини бу йилги мавсумда чемпион бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмапти. Лекин чемпионат тугашига ҳали 7 тур бор. Қутилмаган натижалар қайд этилиши ҳеч гап эмас. Шу боис 24-турнинг марказий учрашуви — «Пахтакор» ва «Навбахор» ўртасидаги баҳс кўпчилиكنинг диққат марказида турганди. Бир томондан Юрий Саркисян пойтахтликларини ўзи энголмагач, айнан наманганликларни муваффақият қозонишига умид қилаётган бўлса, иккинчидан «Навбахор» пахтакорчиларнинг собиқ мураббийи Виктор Жалилов бошчилигида иккинчи даврада бирорта ҳам очко йўқотмай келаётгани.



Иккала жамоа мураббийлари ҳам ярим ҳимояга катта эътибор қаратганликлари бутун ўйин давомида билиниб турди. Зеро, бугунги кунда икки жамоада ҳам бир хил тактикавий ўйин шаклланди. Яъни бир чиққил ҳимоя. Шу боис жамоаларнинг қай бири майдон марказида устунлигини ўз қўлига олса, ғалаба қозониши осонроқ бўларди. Биринчи бўлимда Виктор Жалиловнинг янги шогирдлари бу ишни удалай олиш-

да эса Қаршида «Насаф» билан бўлган яна бир муҳим учрашув туриди.

Чемпионликдан умидини узмаган «Нефтчи» ҳам бу турда зафар кучди. Фарғоналик футболчилар «Дустлик»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколарини сонини 58 тага етказиб олишди. Энди уларнинг чемпион бўлиши учун фақат ғалабининг ўзи кифоя қилмайди. «Пахтакор»нинг мағлубиятга учрашиши ҳам керак. Бироқ бу мумкинми? Бу ҳолат Саркисянни ҳам ўйлантираётган бўлса керак.

«Қизиқум» таъдбириларининг очко йўқотишидан унумли фойдаланди. Ўз майдонидан ён қўшнилари «Бухоро»ни қабул қилган Рустам Мирсолиқов шогирдлари 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Ушбу муваффақиятдан сўнг улар ҳисобида 48 очко бор. «Насаф»да — 45, «Навбахор»да эса — 44.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Гулистон» — «Андижон» 1:0, «Машъа» — «Қўқон-1912» 3:2, «Цементчи» — «Самарқанд-Д» 2:2, «Сурхон» — «Трактор» 3:1, «Металлург» — «Насаф» 1:1.

Дилмурод ПАРПИЕВ. «Халқ сўзи» мухбири.

Таълим учун компьютерлар

Мамлакатимиздаги 102 та мактабда компьютер марказлари барпо этилади. Ушбу мактаблар замонавий ахборот-ҳисоблаш техникалари ва ўқув-ўқувчи материаллар билан жиҳозланади. Бу ҳақда «Ўзбекистон мактаблари» компьютерлар лойиҳасига раҳбарлик қилаётган IREXнинг минтақавий ваколатхонасидан маълум қилинди.

Лойиҳанинг мақсади, замонавий ахборот технологиялари билан танишиш, компьютер ва интернетда ишлаш, таълимнинг илғор тизимларини таъбиқ этиш орқали бошланғич ва ўрта мактабларда ўқитиш даражасини кўтаришдан иборат. Лойиҳани АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) молиялаштирмоқда. Ажратилган маблағларга 102 та компьютер сотиб олинади.

«Туркистон-пресс».

РОССИЯ ШИНАЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АВТОШИНАЛАРИНИ СОТАДИ: Барча турдаги Тошкентдаги омборлардан ГАЗ, КАМАЗ, УАЗ, ЗИЛ, МАЗ эҳтиёт қисмлари тўпламлари. Доимий чегирмалари мавжуд. РОССИЯ ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН АККУМУЛЯТОРЛАР БУЮРТМА АСОСИДА. Тел./Факс: 79-28-75, 79-28-73. Махсулот сертификатланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги аспирантурага танлов эълон қилади: 14.00.30 — эпидемиология (1 ўрин); 14.00.10 — юқумли касалликлар (1 ўрин). Танловда қатнашувчилар 2003 йил 15 октябргача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари керак: Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 2-уй, ЭМОИКИТИ. Телефонлар: 43-27-21, 43-36-05.

«ХИМОЯ» ХУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ дебиторлик қарзларини ундириш; ҳар қандай хўжалик ва фуқаролик низолари юзасидан иш юритиш; корхоналарни тезкор давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш; корхоналарга юридик хизмат сифатида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш. Хўк тўлаш ишининг натижалари бўйича амалга оширилади. Манзил: Тошкент ш., А. Икромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Х.Олимжон» бекати). Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-1151(3); 137-13-43, 175-63-72, 105-82-33. Бухоро ш.: (365) 223-63-72; 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-70-15.

Қамолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади: 17.00.07. — музейшунослик, бадий кадрларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш (1 ўрин); 17.00.08. — маданият назарияси ва тарихи (1 ўрин). Хужжатлар 2003 йил 15 октябргача қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар олиш учун институтнинг аспирантура бўлимига мурожаат қилинг. Манзилимиз: 700000, Тошкент ш., Содиқ Азимов к., 35-уй. Телефон: 132-17-65.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ қуйидаги лаборатория танлов эълон қилади: - клиник аспирантура — 1 ўрин. Танлов муддати сентябр чоп этилгандан бошлаб 1 ой. Манзил: 700059, Тошкент ш., У. Носир к., 138-уй. Телефон: 173-63-72.

КАРБИД КАЛЬЦИЯ Фракции φ 25 ÷ 80 по ЦЕНЕ 700 сум/кг. (пр-ва Казахстана) Оптовый покупателям предоставляются СКИДКИ. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН TRAST LA'MINOT. реализует со склада в Ташкенте. Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

СМАЗКИ ФОСФОХИМ AZMOL (пр-ва России, Украины) Смазка 1-13 Литол-24 Фиол-1 Графит. жир. ШРУС-4 Фиол-2 Технологич. СВ-1 ЖРО ИП-1 л/з Прессолидол Ж ЛЗ-ЦНИИ Солидол Ж Графит. Термост. «ГТШ» Смазка 158 Графит. электропр. ж/д. «КЖ» Упаковка: 25 л., 200 л. Цитатим-201, 202, 203, 205, 208, 221. Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОЙЛАНГЎЗ БАНКИ!

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари, Марказ раҳбари Жуманазар Хусановга онаси

ХИКОЯТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти жамоаси газетанинг Қашқадарь вилояти бўйича ўз мухбири Нарзулла Рашиданова падари бузукворини Раъшан ҚўРБОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади!

ОТБ ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш лойиҳаси жамоаси ҳамда Cambridge Education Consultants компанияси олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Хусановга онаси ХИКОЯТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Миллий библиография бўлими mudириси Мухоммад Исмоиловга онаси Лутифулла ИСМОИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Урганч қурилиш касб-хунар коллежи жамоаси Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Хусановга онаси ХИКОЯТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Fulbright Program Scholarship For 2004-2005 Academic Year. The Embassy of the United States of America is pleased to announce the competition for Fulbright Scholarships for the 2004-2005 academic year. The goal of this program is to "increase mutual understanding between the people of the United States and the people of other countries, and thus assist in the development of friendly, sympathetic, and peaceful relations between the United States and other countries of the world."

For over 50 years the Fulbright Scholarship program has offered grants to college and university faculty, as well as to independent scholars around the globe, to allow them to lecture and conduct research in the United States. At the same time, the program, since its inception in 1946, has permitted thousands of American scholars to teach and conduct research throughout the world.

The Fulbright Scholar Program is open to college and university professors and professionals who wish to conduct research in the U.S. for periods between four to twelve months during the 2004-2005 academic year. Academic fields are as follows:

- Justice
Education
The teaching of English
Library Science
Journalism
Political Science
Business
Finance
Sociology
Arts and Humanities

Those interested may apply for this program if they are citizens of the Republic of Uzbekistan and fluent in English, are candidates for or have a doctoral degree, or are professionals with at least 15 years work experience at the time of application. Additionally, all candidates must be in good health.

Application forms will be available at the Public Affairs Section of the U.S. Embassy beginning on September 10, 2003.

Address: 41 Buyuk Turon Street, Tashkent
Telephones: (8-371) 133-70-96, 133-35-81, 133-59-74
E-mail address: muradovaen@state.gov

These forms are free of charge and may be photocopied. Completed forms should be returned to the Public Affairs Section no later than November 15, 2003. Applicants who successfully pass the preliminary screening process will be invited for an interview.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Догай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 868, 23016 нуسخа босилди, ҳажми — 2 табоқ. Объет усулида босилган. Кого бичими А-2. Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамина ТОВАЕВ ва Аъбар БОЛТАЕВ томондан саҳифаланди. Тахририятда ҳажми 5 қогодан зийд материаллар қабул қилинмади. [Г]—Тижорат материаллари «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00. Тошхоналари — 20.40 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов. Навбатчи — М. Ходматова. Мусахҳах — Б. Остонақулов.